

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚУЛОВ БУНЁД НОСИРДИН ЎҒЛИ

**N,N'-ГЕКСАМЕТИЛЕН БИС[(О-, М-, П-
ГАЛОГЕНЛИФЕНИЛ)КАРБАМАТЛАР] СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.04-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Холикулов Бунёд Носирдин ўғли N,N'-гексаметилен бис[(о-, м-, п-галогенлифенил)- карбаматлар] синтези ва хоссалари	5
Холикулов Бунёд Носирдин угли Синтез и свойства N,N'-гексаметиленбис- [(о-,м-,п-галогенофенил)карбаматов].....	21
Kholikulov Bunyod Nosirdin ugli Synthesis and properties of N,N'-hexam- ethylenebis[(o-,m-,p-halophenyl)carbamates].....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚУЛОВ БУНЁД НОСИРДИН ЎҒЛИ

**N,N'-ГЕКСАМЕТИЛЕН БИС[(О-, М-, П-
ГАЛОГЕНЛИФЕНИЛ)КАРБАМАТЛАР] СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Кимё фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/K519 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tkti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Тургунов Эрхан
кимё фанлари доктори, профессор в.б.

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «27» 05 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхотохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+998) 71-244-79-20, факс (+998) 71-244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс Марказида таништириш мумкин (407 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхотохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+998) 71-244-79-20.

Диссертация автореферати 2023 йил «25» 04 куни тарқатилди.
(2023 йил «25» 04 даги 398 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ғ.Ғ. Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда гетерофункционал ҳосилалар табиий ва биологик фаол бирикмалар - таркибида аниқланиб, қишлоқ хўжалигида, фармацевтикада қон касалликларга қарши препаратлар, нефт-газ ва кимё саноатида ранг берувчи бўёқлар ҳамда органик синтезда юқори реакцион қобилиятли функционал фаол моддалар ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Шу билан бирга гетерофункционал гуруҳ сақловчи янги ҳосилаларни синтез қилиш, уларни қайта ишлаш билан амалий жиҳатдан фойдали хоссаларга эга кўпфункционали - фаол бирикмалар олиш, бис-карбаматлар ишлаб чиқаришнинг самарали, камбосқичли жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда бис-карбаматларнинг кислород, азот, галоген ва карбамат гуруҳлари тутган кўпфункционали янги ҳосилаларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада молекуласи азот, кислород, галоген элементлари билан бойитилган бис-карбамат фрагментли таркиблар олиш, N,N'-динитрозолаш, N,N'-дихлорлаш, N,N'-диметаллаш ва N,N'-диалкиллаш реакциялари орқали биологик фаол моддалар ишлаб чиқариш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва таркибий хусусиятларини тадқиқ қилиш, қишлоқ хўжалигида қўллаш учун биостимуляторларнинг органик асосларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда янги турдаги моддаларни ишлаб чиқариш маҳсулотлар турларини кўпайтириш, маҳаллий бозорни импорт ўрнини боса оладиган кимёвий ноёб препаратлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, рақобатбардош табиий ҳамда уларнинг синтез маҳсулотлари асосида ноёб хоссаларга эга препаратлар яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «иктисодийга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада гексаметилендиизоцианат ва фенолгалогенидлар асосида бискарбаматларнинг янги ҳосилаларидан қишлоқ хўжалиги, нефт-газ ҳамда фармацевтика саноати учун юқори самарали препаратлар яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сонли «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карбамат ва бискарбаматлар, уларнинг ҳосилалари асосида саноатда, қишлоқ хўжалигида биологик фаол препаратлар олишда хом-ашё, қўшимча маҳсулотлар сифатида фойдаланиш бўйича кенг доирада илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бис карбаматлар ва улар асосида олинадиган ҳосилаларини синтез қилиш, мақсадли қўллаш ва ишлаб чиқариш бўйича Gianpiero Forte, Isabella Chiarotto, Frank Richter, Vinh Trieu, Marta Feroci, Zhong Ying, Xian-Shi Wang, Muhammad Rizvon, Khalid Mahmood Zia, Валеева Н.Г. Holboyev Y.K. Makhsumov A. ва бошқалар изоцианат, диизоцианатлар асосида алифатик, ароматик, гетероциклик, карбамат, мочевина ҳосилаларини гетероциклик бирикмалари, сульфонил мочевинолар, триазинлар, уларнинг гетероциклик аналогларини юқори унум билан синтез қилиш, улар асосида янги турдаги биостимулятор, бўёқлар, ингибиторлар, гербицидлар ва дори воситалари яратишда, саноатда ишлаб чиқаришга салмоқли улуш қўшганлар.

Фенолнинг галогенли ҳосилаларини изоцианатлар билан катализаторлар ёрдамида бис-феноксид карбаматлар синтез қилиш улар асосида янги турдаги биостимулятор, ингибитор ва дори воситалари яратишга олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-А12-53 «Кимё ва тўқимачилик соҳасида қўлланиладиган аллилазобирикмалар асосида бўёқ моддалар олишнинг янги самарали технологисини ишлаб чиқиш» (2017-2018 й.) мавзусидаги амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гексаметилендиизоцианат ва фенол галогенидлар асосида бис-феноксид карбаматларнинг янги ҳосилалари синтезини ва кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, шунингдек биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гексаметилендиизоцианат фенол галогенидларининг реакциялари асосида бис-феноксид карбаматларни янги ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг юқори унум билан чиқиши ҳарорат, вақт ва эритувчиларнинг табиатига боғлиқлигини аниқлаш;

бис-феноксид карбаматларни олинишида реакцияга киришаётган гексаметилен диизоцианат билан фенолгалогенидлар ва уларнинг ҳосилаларини ўзаро таъсирлашувини эҳтимолли механизминини яратиш;

гексаметилен диизоцианатни фенолнинг бромли, фторли ва йодли ҳосилалари билан реакцияларини олиб бориш;

N,N'-гексаметилен бис[(2-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(3-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(2-фторфенокси)-карбамат] ва N,N'-гексаметилен бис[(3-йодфенокси)-карбамат]ларнинг таркиби, тозалиги ва тузилишини замонавий физик кимёвий тадқиқ усулларида исботлаш;

Гексаметилендиизоцианат ва фенолгалогенидларнинг ҳосилаларини синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш;

олинган бис-фенокси карбаматлар ҳосилалари орасидан юқори фаолликка эга бўлган биостимуляторларни амалиётда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гексаметилендиизоцианат, 2-бромфенол, 3-бромфенол, 4-бромфенол, 2-фторфенол, 3-йодфенол катализаторлар ва эритувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий ўзгаришлар, нуклеофил бирикиш, олинган маҳсулотларни физик-кимёвий ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида органик синтез, спектроскопия (ИК-) ^1H , ^{13}C ЯМР ва хромато-масс-спектрометрия, элемент таҳлили, квант-кимёвий ҳисоблашлар ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гексаметилендиизоцианатни фенолнинг галогенли ҳосилалари билан реакцияси асосида бис-карбаматларни янги ҳосилалари олинган;

реакцияни олиб боришнинг шароитлари, гексаметилендиизоцианат ва фенолгалогенидларни нуклеофил бирикиш реакцияси усуллари яратилган;

N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларни хлорлаш, нитрозалаш, бензиллаш реакцияларида, ундаги N-H гуруҳидаги «Н» фаол бўлганлиги учун реакция айнан шу гуруҳда осон ва юқори унум билан чиқиши аниқланган;

гексаметилендиизоцианат ва фенолнинг галогенли ҳосилаларидан N,N'-гексаметилен бис[(орто-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(пара-бромфенокси)-карбамат]ларнинг биологик фаолликка эга эканлиги аниқланган:

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бис-фенокси карбамат ҳосилаларини гексаметилендиизоцианат ва фенолнинг галогенли ҳосилалари билан электрофил ва нуклеофил алмашилиш, бирикиш реакциялари натижасида юқори унум билан синтез қилиш усуллари аниқланган;

гексаметилендиизоцианат ва фенолгалогенидларнинг ҳосилаларини олишнинг чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган;

синтез қилинган бис-фенокси карбаматларнинг янги ҳосилаларининг қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ўсиши ва ҳосилдорлигини оширувчи биостимуляторлик хоссалари аниқланган;

олинган бис-карбаматлар ҳосилалари натижалари квант кимёвий ҳисобланган ва математик моделлаштирилган;

олинган бис-карбаматлар ҳосилалари орасидан юқори фаолликка эга бўлган биостимуляторларни саноатда қўллашга тавсия этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишларида замонавий ИҚ-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, ^1H , ^{13}C ЯМР, квант-кимёвий ҳисоблаш, биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бис-фенокси карбаматларни синтез қилиш жараёни боришида эритувчилар ва катализаторлар аҳамияти, нуклеофил, электрофил, бирикиш ҳамда ўрин алмашиши, туташган гуруҳларнинг электрон булутлар юқори зичлиги ва жойлашуви ҳамда реагентлар билан реакциялари мақсадли амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, синтез қилинган бис- фенокси карбаматлар янги ҳосилаларининг қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи биостимуляторлик хоссалари аниқланганлиги ва уларнинг қўлланилиши, гексаметилен бис-фенокси карбаматлар асосида истиқболли препаратларнинг янги турларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг жорий қилинганлиги: Бис-фенокси карбаматлар ва уларни ҳосилаларининг самарали синтез усуллари ва модификациялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

$\text{N,N}'$ -гексаметилен-бис[(орто-бромфенокси)-карбамат] ва $\text{N,N}'$ -гексаметилен-бис[(пара-бромфенокси)-карбамат] препаратини ишлаб чиқариш технологияси «Электрокимёзавод» қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида амалиётга жорий қилинган («Электрокимёзавод» қўшма корхонаси АЖнинг 2022 йил 25 августдаги 186-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликларни илдизи ва поясининг ўсишини, ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали препарат ишлаб чиқариш имконини берган;

$\text{N,N}'$ -гексаметилен-бис[(орто-бромфенокси)-карбамат] ва $\text{N,N}'$ -гексаметилен-бис[(пара-бромфенокси)-карбамат] препарати Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани «Абдуясин яшил боғлари» фермер хўжалиги далаларида амалиётга жорий қилинган («Электрокимёзавод» қўшма корхонаси АЖнинг 2022 йил 25 августдаги 186-сон маълумотномаси). Натижада, препаратларнинг 0,001 % концентрацияли эритмаси назоратга нисбатан ғўза поясининг ўсишини 139,6, илдиз ўсишини 156,3 % гача ошириши ва ғўза ҳосилдорлигини 4,5 ц га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та жумладан 2 та халқаро ва 3 та Республика журналларида ҳамда халқаро ва Республика илмий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Гексаметилендиизоцианат ҳосилалари ва бис-карбаматлар олиш муаммоларининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида асосан гексаметилендиизоцианат, унинг турли хил ҳосилалари ва бис-карбаматларнинг олиниш усуллари, шароитлари, синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиши бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Йиғилган маълумотлар қиёсий таҳлил қилинган ва диссертация ишининг мақсад, вазифалари аниқланган.


Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, гексаметилендиизоцианат ва унинг турли хил бирикмалари, жумладан галоген тутган ҳосилалари дунёда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади ҳамда турли соҳаларда, айниқса биологик фаол моддалар сифатида қўлланилади. Лекин республикамизда бу туркум моддалар ишлаб чиқарилмайди, керакли миқдори эса импорт ҳисобига фойдаланилади. Гексаметилендиизоцианат ва фенолгалогенидлар билан бажарилган илмий ишлар деярли учрамайди ёки олиб борилмаган, бироқ полиуретанлар олиш мақсадида диизоцианатлар ва диоллар билан камдан кам иш олиб борилган.

Диссертациянинг «**Гексаметилен диизоцианат ҳосилаларини синтез қилишнинг тадқиқот объектлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишлатиладиган реагентларнинг физик кимёвий хоссалари келтирилган. Синтез қилинган моддаларнинг лаборатория шароитида олиниш усуллари, шароитлари келтирилган. Синтез қилинган моддаларни элемент анализ ёрдамида ўрганиш натижалари келтирилган. Синтез қилинган бирикмаларнинг ИҚ-спектроскопия, хромато-масс спектри, ^1H ва ^{13}C -ЯМР спектрлари, квант-кимёвий ҳисоблашлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**N,N'-гексаметилен-бис[(орто, мета ва пара - галогенфенокси)-карбамат]ларнинг олиниш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида N,N¹-гексаметилен бис-[(фенокси)-карбаматлар]нинг ҳосилаларини чиқиндисиз олиш усуллари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Биз ишлаб чиққан N,N'-гексаметилен-бис[(фенокси)-карбамат]ларни олиш учун фенолнинг галогенли ҳосилаларини гексаметилендиизоцианатга 25-45 °C ҳароратда эритувчи ва катализатор (асос) иштирокида нуклеофил (A_N) бириктириб, филтрлаш ва 148-150 °C ҳароратда қуритишдан иборатдир.

Якуний тайёр бирикма N,N' -гексаметилен бис[(фенокси)-карбамат]лар ДМФА, ДМСО, диоксан, нитробензол ва бошқа органик эритувчиларда эрийдиган рангсиз кукун моддалардир.

Ишда дастлаб гексаметилен диизоцианатнинг фенолнинг галогенли ҳосилалари билан ўзаро таъсирида N,N' -гексаметилен бис[(фенокси)-карбаматлар синтези (C₂H₅)₃N катализатори ва органик эритувчилар диметилформаид ҳамда диметилсулфоксиднинг универсал эритувчилари иштирокида олиб борилди ва реакция механизми қуйидагича таклиф этилди:




Бу ерда X=Br; F; J;

Ушбу реакция механизмида дастлаб N,N' -гексаметилен диизоцианатнинг кимёвий ҳаракати -N=C=O гуруҳдаги электрон зичлигининг бундай тақсимланишига мос келади, ва бу қуйидаги схема билан тавсифланади:




Катализатор сифатида қўлланилган триэтиламин кучли асос хоссага эга бўлганлиги сабабли азот атомининг умумлашмаган электрон жуфти ҳисобига, кислота хоссали фенол ҳосиласидан протонни тортиб олиб уни асос хоссали ионга айлантиради ва кислота хоссали гексаметилендиизоцианат билан таъсирлашувни амалга ошириб беради. Катализаторнинг реакцияда иштирок этиш механизмини қуйидагича изоҳлаш мумкин.



-N⁻=C⁺=O⁻ гуруҳдаги азот ва кислород асосан манфий зарядланган ва электрон донор ҳамда электрофил ҳужумга эга. Баъзи ҳолларда диизоцианатлар электрофил агент вазифасини бажариши, бу эса реакция тезлигига ва маҳсулот ҳосил бўлиш унумига сезиларли даражада таъсир кўрсатишига олиб келади. Улар учун ўз ичида кислород ва азот тутган моддалар иштирокидаги нуклеофил

бирикиш реакциялари (A_N) хосдир. Эркин электрон жуфтига эга бўлган 4-бромофенол бирикмасидаги реакция қобилиятга эга бўлган гидроксил гуруҳи гексаметилен диизоцианат молекуласидаги электрофил марказга оралик жараёни яъни π -комплексни ҳосил қилиб, бис-карбаматга қайта гуруҳланади.



N,N' -гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларни синтез қилиш жараёни, 25, 35 ва 45 °C ҳароратда турли эритувчиларда, яъни ДМСО, ДМФА эритмаларида, реакция давомийлиги 2-6 соат давомида олиб борилди ва N,N' -гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]лар унумига дастлаб эритувчилар табиати ҳамда реакция давомийлиги таъсири ўрганилди. Бунда бошланғич маҳсулотлар 2:1 нисбатда олинди. Ушбу жараёнда эритувчи сифатида ДМСО га нисбатан ДМФА қўлланилганда маҳсулотнинг ҳосил бўлиш унуми юқори бўлиши аниқланди. Бундан ташқари реакция давомийлиги 4 соатдан 5 соатга ошиб бориши билан ҳам маҳсулот унумининг ортиши кузатилди. Реакция учун мақбул шароитни топиш учун 6 соат давомида тадқиқотлар ўтказилганда бис-карбаматлар унуми кескин камайиши кузатилди.

Диссертация ишида синтез қилинган барча бирикмаларнинг юқори унумда ҳосил бўлишидаги фойдаланилган катализатор ва эритувчиларнинг табиати, реакция давомийлигининг ошиб бориши таъсири, реакция тезлиги каби кинетик параметрлар аниқланди(1-жадвал).

Натижалар таҳлиliga кўра барча синтез қилинган бирикмалар 35 °C да Эритувчи ДМФА да юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланди. Натижалар асосида N,N' -гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]лар синтези таҳлилини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Синтез жараёни давомида ҳароратнинг 25 °C дан 35 °C кўтарилиши натижасида маҳсулотлар унумининг ортиб бориши, 45 °C га оширилишида эса маҳсулот унумининг кескин камайиши кузатилди.

Шунингдек олинган натижалар шуни кўрсатдики, эритувчи сифатида танланган диметилформаиднинг синтез жараёнида эритувчилик хоссалари диметилсульфоксидга нисбатан барча ҳароратларда N,N' -гексаметилен

бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларнинг юқори унум билан синтез қилинишига олиб келди.

1-жадвал


N,N'-гексаметилен-бис[(3-бромфенокси)-карбамат], N,N' - гексаметилен-бис[(4-бромфенокси)-карбамат], N,N' -гексаметилен-бис[(2-фторфенокси)-карбамат] ва N,N' -гексаметилен-бис[(3-йодфенокси)-карбамат]ларнинг ҳосил бўлишига эритувчиларнинг табиати таъсири

Т/р	Ҳарорат °С	Эритувчи ДМФА		Эритувчи ДМСО	
		Унум, %	Реакция тезлиги	Унум, %	Реакция тезлиги
N,N'-гексаметилен бис[(3-бромфенокси)-карбамат]					
1	25	68.9	17.2	63.1	15.8
2	30	74.6	18.6	69.4	17.4
3	35	90.6	22.6	85.5	21.4
4	45	81.7	20.4	76.6	19.1
N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат]					
1	25	66.6	16.6	61.4	15.4
2	30	71.8	17.9	66.7	16.7
3	35	94.2	23.55	89.3	22.3
4	45	84.3	21.1	79.1	19.8
N,N'-гексаметилен бис[(2-фторфенокси)-карбамат]					
1	25	74.2	18.6	69.3	17.3
2	30	79.6	19.9	74.4	18.6
3	35	86.4	21.6	81.2	20.3
4	45	81.3	20.3	76.4	19.1
N,N'-гексаметилен бис[(3-йодфенокси)-карбамат]					
1	25	64.6	16.2	59.5	14.9
2	30	72.3	18.1	67.6	16.9
3	35	89.2	22.3	84.1	21.1
4	45	81.9	20.5	75.6	18.9

Синтез жараёни учун оптимал реакция давомийлиги 4-4.5 соатни ташкил этиб ДМФА да маҳсулот нисбатан юқори яъни 35 °С да N,N'-гексаметилен бис[(3-бромфенокси)-карбамат]да 90.6, N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат]да 94.2%, N,N'-гексаметилен бис[(2-фторфенокси)-карбамат]да 86.4 % ва N,N'-гексаметилен бис[(3-йодфенокси)-карбамат]да 89.2 % унум билан синтез қилинди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, N,N' - гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]лар синтези жараёни учун оптимал реакция давомийлиги 4-4.5 соатни, харорат 35 °С ва эритувчи сифатида ДМФА ни олишимиз мумкин.

N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларнинг N,N' реакцион марказлари бўйича реакцион қобилятини ўрганиш учун биз томондан камёб реакциялар ўтказилди: N,N'-динитрозолаш, N,N'-дихлорлаш, N,N'-диметаллаш ва N,N'-диалкиллаш.


Ўрганилган адабиётлар ва изланишлар натижасидаги маълумотларга кўра N,N'-динитрозолашда полиметилен (-CH₂)_n занжири билан тўғридан тўғри боғланган азот атомлари реакцияга киришади. Натижада N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларни NaNO₂ (ортикча микдорда) билан N,N'-динитрозолаш реакциялари 98 %-ли HCOOH да 0-5⁰C температурада олиб борилди:



Хужум қилувчи агент нитрозоний иони NO^{\oplus}

Нитрит кислота эркин шаклда мавжуд бўлмаганлиги сабабли жараёни амалга ошириш учун нитритлар ва кучли кислота (HCOOH) олинди.


Олинган протонни бириктирувчи азот кислотаси нитрозо ионини ҳосил қилади



N,N'-динитрозолаш реакцияси совутилган аралашмада амалга оширилади: ҳароратни кўтариш шарт эмас, чунки бу мақсадли маҳсулотнинг унумини пасайтиради ва баъзан йўналишга таъсир қилади.


N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларнинг N,N'-дихлоралмашинган бирикмаларининг олиниш реакциялари ҳам олиб борилди.

Биз нам алюминий оксиди устида калций гипохлорит билан бискарбаматни N,N'-дихлорлашнинг самарали, арзон, барқарор ва экологик тоза усулини ишлаб чиқдик.



N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларнинг N,N'-дихлоралмашинган ҳосилаларининг бирикмаларини олиниш реакциялари олиб борилди.


Бензилланиш реакциялари N,N' -гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]нинг N,N' -динатрий ҳосиласига томчилатиб бензил йодид кўшилди, жараён сувсиз бензолда 28-35⁰С ҳароратда 3,5 соат давомида аралаштириб амалга оширилди.



N-бензилланиш реакциясининг фақат N,N' азот атомида содир бўлиши, кўшни карбонил гуруҳлари мавжудлиги сабабли бу атомда натрийга нисбатан осон диссоциаланиши билан изоҳланади. Бирикмаларнинг унуми ~89,7% ни ташкил этди.

N,N' -гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]ларни N,N' -диизопропил алмашинган ҳосилаларининг бирикмаларини олиниш реакция жараёни қуйидаги тартибда олиб борилди.

Изопропилланиш реакцияси бис-карбаматларнинг N,N'-натрий ҳосилаларига сувсиз бензолда 36-48⁰С ҳароратда 4,5 соат давомида изопропил йодидни томчилатиб аралаштириш орқали амалга оширилди реакция қуйидаги схема бўйича амалга ошади:



Синтез қилинган бирикмаларни биостимуляторлик фаоллигини аниқлаш учун “Электрокимё завод” қўшма корхонаси акциядорлик жамияти кимёвий таҳлил лабораторияси ходимлари иштирокида “Абдуясин яшил боғлари” фермер хўжалиги дала майдонида синовдан ўтказилди. Синов ишларида назорат сифатида амалиётда қўлланилаётган “Рослин” препаратидан фойдаланилди.

Синтез қилинган қуйидаги кимёвий препаратларни помидор, ғўза, бодринг ўсишида биостимуляторлик хоссаси аниқланди:

N,N'-гексаметилен-бис[(орто-бромфенокси)-карбамат],

N,N'-гексаметилен-бис[(пара-бромфенокси)-карбамат].

Ушбу препаратларнинг 0,01 ва 0,001 % ли эритмалари “Темп” навли помидор, “6524” навли ўрта пўстли ғўза, “Ўзбекистон-740” навли бодринг

уруғларини ўсишида биостимулятор сифатида синовдан ўтказилди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Синтез қилинган бирикмаларнинг помидорни унувчанлиги
ва ўсишига таъсири**

№	Препарат номи	Препарат концентра цияси, %	Помидо рнинг етилиш и %	Помидор	
				илдизин и ўсиши, %	поясини ўсиши, %
1.	сув	100	55,0	100,0	100,0
2.	N,N'-гексаметилен- бис[(орто- бромфенокси)-карбамаат]	0,01	59,0	153,4	144,5
		0,001	60,0	177	149,2
3.	N,N'-гексаметилен- бис[(пара- бромфенокси)-карбамаат]	0,01	60	142	128,6
		0,001	50	224	131
4.	“Рослин” (назорат)	0,75-1,0	56,0	107,4	104,5

Тажириба натижаларига кўра, N,N'-гексаметилен-бис[(орто-бромфенокси)-карбамаат] ни 0,001% ли эритмаси билан помидор уруғига ишлов берилганда, илдиз ўсиши 177, поясининг ўсиши 149,2 етилиши эса 60,0 % бўлишига эришилди.

3-жадвал

**Синтез қилинган бирикмаларнинг ғўза чигити унувчанлиги
ва ўсишига таъсири**

№	Модданинг номи	Концент рация си %	Ҳосилнинг етилиши, %	Ғўза	
				илдиз ўсиши, %	поя ўсиши, %
1	Сув	Чексиз	85,0	100,0	100,0
2	N,N'-гексаметилен- бис[(орто-бром фенокси)-карбамаат]	0,01	91,0	109	96
		0,001	97,4	156,3	139,6
3	N,N'-гексаметилен- бис[(пара-бром фенокси)-карбамаат]	0,01	86,6	134,7	128,5
		0,001	85,8	154,6	133,4
4	“Рослин” (назорат)	0,75-1,0	96	103,3	102,7

Пахтанинг “С-6524” нави чигити экишдан олдин N,N'-гексаметилен-бис[(орто-бромфенокси)-карбамаат]нинг 0,001% ли эритмаси билан ишлов берилганда 6 кунда назоратга нисбатан ҳосилнинг етилиши 97,4, поясининг ўсиши 139,6 ва илдизининг ўсиши 156,3 % ни ташкил этди.

Олинган бирикмаларни бодрингни “Ўзбекистон-740” нави уруғининг унувчанлиги ва илдиз ҳамда поясининг ўсишига таъсири ўрганилди. Таққослаш учун сув ва “Биолан” (назорат) препаратидан фойдаланилди.

Қўлланилган бирикмаларнинг квант-кимёвий ҳисоблашлари

Бирикмалар	Умумий энергияси ккал/мол	Ҳосил бўлиш энергияси ккал/мол	Ҳосил бўлиш иссиқлиги, ккал/мол	Электрон энергияси, эВ	Ядро энергияси, ккал/мол	Дипол momenti (Д)
Синтез қилинган бирикмалар						
N,N'-гексаметилен бис[(2-бромфенокси) карбамат]	- 99799.1	-4990.8	-28.157	- 690500. 8	590701	1.293
N,N'- гексаметилен бис[(3-бромфенокси) карбамат]	- 99803.4	- 4995.07	-32.428	- 676108. 72	576305	1.796
N,N'- гексаметилен бис[(4-бромфенокси) карбамат]	- 121435, 5	- 5187.11	-105.35	-789609	668174	2.222
N,N'- гексаметилен бис[(2- фторфенокси) карбамат]	- 121434, 7	- 5212.02	-145.964	-835904	708450	2.266
N,N'- гексаметилен бис[(3- йодфенокси) карбамат]	- 121157, 6	- 5161.33 4	-82.0164	-791606	670448	2.524

Гексаметилен диизоцианат ҳосилалари синтези жараёни натижаларини математик моделлаштириш. Гексаметилендиизоцианат ва фенолнинг галогенли ҳосилаларидан N,N'-гексаметилен бис[(2-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(3-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат], N,N'-гексаметилен бис[(2-фторфенокси)-карбамат] ва N,N'-гексаметилен бис[(3-йодфенокси)-карбамат]лар синтези жараёни натижаларини MapleSoft-2018 дастурида моделлаштирилди. Жараённи олиб бориш учун дастлаб олинган натижаларнинг боғлиқлик ҳолати учун кам сонли квадратлар тенгламасидан фойдаланилди (6-жадвал).

6-жадвал


x	x_1	x_2	x_3	...	x_{n-1}	x_n
y	y_1	y_2	y_3	...	y_{n-1}	y_n

Гексаметилендиизоцианат асосида олинган N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]лар синтезини моделлаштириш 2 босқичда олиб борилди:

1. Дастлаб олинган натижалар асосида боғлиқликнинг ташқи кўринишини аниқланди.

2. Бу босқичда эса $Y = f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$ функциясидаги боғлиқлик коэффиценти танланиб ва ушбу боғлиқлик биринчи функциядаги a_i орқали чиқарилди.

Маҳсулот унуми ва реакция ўртача тезлиги асосида Maple-2018 дастури ёрдамида натижалар иконограммаси тузилди (2-расм).




2-Расм. Ҳарорат ва реакция давомийлигининг N,N'-гексаметилен бис[(галогенфенокси)-карбамат]лар унумига таъсири натижалари ва математик моделлаштириш орқали олинган иконограммалари

Олиб борилган ҳисоблашлар шуни кўрсатдики олинган тажриба натижалари маҳсулот унуми ва реакция тезлиги асосига олиб борилган математик моделлаштириш натижаларига кўра, тажрибалар 95-97 % аниқликда олиб борилганлигини кўрсатди.

Олинган моддалар синтезининг кинетик параметрларини таҳлил қилиш натижасида реакциянинг ўртача тезлиги асосида математик моделлаштириш, аналитик функциялар графиги ва жараённинг кинетик параметрлари диаграммаси таҳлиллари шуни кўрсатдики, реакция давомийлиги 4 соат, ҳарорат 35 °C бўлганда N,N'-гексаметилен бис[(2-бромфенокси)-карбамат] 92.6, N,N'-гексаметилен бис[(3-бромфенокси)-карбамат] 90.6, N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат] 94.2, N,N'-гексаметилен бис[(2-фторфенокси)-карбамат] 86.4 ва N,N'-гексаметилен бис[(3-йодфенокси)-карбамат] 89.2 % унум билан синтез қилиниши аниқланди.

N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат]нинг ишлаб чиқариш технологияси. Гексаметилендиизоцианат ва 2-бромфенол асосида атмосфера босимида, органик эритувчи ДМФА ва триэтиламин катализатори иштирокида реакция олиб борилди ҳамда синтез қилинган N,N' - гексаметилен бис [(2-бромфенокси) - карбамат]ни ишлаб чиқариш технологияси яратилди. (3-расм).

N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат]ни юқори асосли системалар иштирокида ишлаб чиқариш учун дастлаб реакторга (6) бошланғич моддалар 2-бромфенол (1), ГМДИ (2), ДМФА (3) ва триэтиламин (4) юборилади.



3-расм. N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат] ишлаб чиқариш технологияси

1, 2, 3, 4, 5-бошланғич моддалар учун идишлар: 6-реактор, 7-экстракция колоннаси, 8-ҳайдаш колоннаси, 9-қуритгич, 10-элеватор, 11-виброэлак, 12-қадоклаш цехи.

Реакторда (6) атмосфера босимида, $30-45^{\circ}\text{C}$ ҳароратда аралаштиргич ёрдамида реакция 4-5 соат давомида олиб борилади. Реакцион аралашма (7) экстракция колоннасига ўтади, у ерда ҳосил бўлган N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат] диэтил эфир ёрдамида аралашмадан ажратилади. Эритувчида эриган маҳсулот (8) ҳайдаш колоннасида эритувчидан ажратилади, ажралиб чиққан диэтилефири қайта циркулятсияга юборилади. Ҳайдаш колоннасидан N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат] (9) қуритгичга ўтади у ерда маҳсулот қурилади. Қуриб тайёр бўлган маҳсулот (10) элеватор орқали (11) виброэлакга ўтади уердан (12) қадоклаш цехига юборилади.

- жараён атмосфера босимида олиб борилди;
- технологик жараённинг умумий давомийлиги 4-5 соат;
- қуришиш жараёнига 2 соатни талаб қилади;
- реактордаги ҳарорат 40°C , экстракция ва қуришиш жараёнлари хона ҳароратида олиб борилди.

-реакторга катализаторлар, эритувчилар ва бошланғич моддаларнинг берилиши ва ҳарорат автоматик равишда бошқарилиб борилади.

N,N' - гексаметилен бис [(2 - бромфенокси) - карбамат] ишлаб чиқилган технологик жараёнида қўшимча газ ва қаттиқ чиқиндилар ҳосил бўлмайди. Биз яратган чиқиндисиз технологик олиниш усули содда, онсон, экологик тоза ва юқори унум билан маҳсулот олишга мўлжалланган бўлиб, ортиқча ёки қўшимча ҳаражатлар талаб қилинмайди. Биз бу технологик жараённи бошқа технологик органик синтез жараёнларига солиштирганимизда анча афзаллигини кўрсатди, органик синтез соҳасида катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

1. Гексаметилендиизоцианат ва фенол галогенидлар асосида янги N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]ларнинг ҳосил бўлиши хона ҳароратида, чиқиндисиз тарзда амалга ошиши аниқланди.

2. N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]ларни синтез қилиш жараёнига катализатор табиати ва миқдори, органик эритувчилар, ҳарорат, реакция давомийлиги таъсирини ўрганиш орқали жараён боришининг мақбул шароити таклиф этилди.

3. N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]ларни юқори унум билан олиш энергия тежамкор услуби тадқиқ қилинди.

4. Илк бор олинган N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]лар ҳосилаларининг N,N'-диметаллаш, N,N'-диалкиллаш, N,N'-динитрозалаш ва N,N'-дихлорлаш жараёнлари асосида биологик фаол моддаларни синтез қилиш усули тавсия қилинди.

5. Гексаметилендиизоцианат ва фенол галогенидларининг ўзаро эҳтимолий таъсирлашув механизми тавсия қилинди ва ҳосил бўлган N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]ларни тузилиши, таркиби ҳамда тозалигини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари (ИК, ^1H -, ^{13}C -ЯМР ва хромато-масс спектроскопия) билан таҳлил қилинди.

6. N,N'-гексаметилен бис[(галогенид-фенокси)-карбамат]ларнинг олинишини экологик тоза, ресурс тежамкор ва чиқиндисиз технологияси тавсия қилинди.

7. Олинган бис-карбамат бирикмаларни Maple-2018 компьютар дастурлари ёрдамида S_N жараёни математик моделлаштирилган ҳамда бирикмалар молекуласининг квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилган ва молекула таркибидаги изоцианат гуруҳида электронлар зичлиги юқорилиги аниқланган, ундаги азот ва углерод S_N жараёни кетишига имкон берадиган реакцион марказ эканлиги келтирилган.

8. Олинган N,N'-гексаметилен бис[(2-бромфенокси)-карбамат] ҳамда N,N'-гексаметилен бис[(4-бромфенокси)-карбамат]лар ҳосилалар орасидан юқори фаоликка эга бўлганлиги сабабли танлаб олинди ва биостимуляторлар сифатида тавсия қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО–ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ХОЛИКУЛОВ БУНЁД НОСИРДИН УГЛИ

**СИНТЕЗ И СВОЙСТВА N,N'-ГЕКСАМЕТИЛЕНБИС[(О-,М-,П-
ГАЛОГЕНОФЕНИЛ)КАРБАМАТОВ]**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером В2022.2.PhD/K519.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Махсумов Абдухамид Гофурович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Тургунов Эрхан
доктор химических наук, и.о.профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «27» 05 2023 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail:tkti_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института(зарегистрирована за № 407). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «25» 04 2023 года.

(протокол реестра рассылки № 398 от «25» 04 2023 г.).



Туробжонов С.М.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Кадиров Х.И.
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Рахмонов Г.Р.
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день гетерофункциональные производные идентифицированы в составе природных и биологически активных соединений и используются в производстве высокорекреационноспособных функционально-активных веществ в сельском хозяйстве, фармацевтике – в препаратах против болезней крови, красящих красителях в нефтегазовой и химической промышленности, в органический синтез. В то же время важное значение имеет совершенствование синтеза новых производных, содержащих гетерофункциональную группу, получение путем их переработки полифункциональных активных соединений с практически полезными свойствами, эффективного малостадийного процесса получения бис-карбаматов.

В мире проводится ряд научных исследований по созданию новых полифункциональных производных бис-карбаматов, содержащих кислородные, азотистые, галогеновые и карбаматные группы. В связи с этим получение биологически активных веществ по реакциям N,N'-динитрозирирования, N,N'-дихлорирования, N,N'-диметаллирования и N,N'-диалкилирования с получением бискарбаматных фрагментных композиций, обогащенных азотом, кислородом и галогеном элементов, особое их внимание уделяется исследованию физико-химических свойств и структурных особенностей, разработке и апробации технологий получения органических основ биостимуляторов сельскохозяйственного назначения.

В Республике ведутся работы по увеличению ассортимента продукции для производства новых веществ, обеспечению местного рынка уникальными химическими препаратами, способными заменить импорт, достигаются значительные результаты в создании конкурентоспособных природных и синтетических препаратов с уникальными свойствами. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы определена задача «широкого внедрения инноваций в экономику, развития кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений»¹. В связи с этим весьма актуальными являются научно-практические исследования, направленные на создание высокоэффективных препаратов для сельского хозяйства, нефтегазовой и фармацевтической промышленности из новых производных бискарбаматов на основе гексаметилендиизоцианата и фенолгалогенидов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана», № УП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по опережающему развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года №ПП-5707 «О дальнейших мерах по опережающему развитию фармацевтической промышленности нашей Республики в 2019-2021 гг.», №ПП-

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ОФ-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы».

4805 от 12 августа 2020 года «Меры по повышению качества непрерывного образования и научной продуктивности в области химии и биологии», а также других нормативно-правовых документов, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики Узбекистан VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Широко исследованы карбаматы и бикарбаматы на основе их производных на предмет их использования в качестве сырья и побочных продуктов при производстве биологически активных препаратов в промышленности и сельском хозяйстве. Научно-исследовательские работы по синтезу, целевом использовании и производству бискарбаматов и их производных, синтезу гетероциклических соединений, сульфонилмочевины, триазинов, их гетероциклических аналогов с высокой эффективностью, созданию новых видов биостимуляторов, красителей, ингибиторов, гербицидов и препаратов на их основе велись мировыми учеными как Gianpiero Forte, Isabella Chiarotto, Frank Richter, Vinh Trieu, Marta Feroci, Zhong Ying, Xian-Shi Wang, Muhammad Rizvon, Khalid Mahmood Zia, Валеева Н.Г. Holboyev Y.K. Makhsumov A., которые внесли значительный вклад в промышленное производство.

